

Ўзбекистон Республикаси Президенти Корея Республикаси Президенти билан телефон орқали мулоқот қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 апрель кунни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбатда давлат раҳбарлари анъанавий дўстона ва самимий руҳда икки томонлама алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни, биринчи навбатда савдо-иқтисодий соҳада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда айрим минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик мавзулар юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашишда ҳамкорликни давом эттириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти пандемияга қарши курашда кўрсатилаётган амалий кўмак учун Мун Чже Инга самимий миннатдорлик билдирди. Хусусан, март ойининг охиридан мамлакатимизда корейлик профессор – эпидемиолог мутахассис фаол ишламоқда, билим ва кўникмалари билан ўртоқлашмоқда. Шу ойда мазкур диёрдан юртимизга яна бир тажрибали мутахассис – анестезиолог-реаниматологнинг келиши кутилмоқда. Фуқароларимизни эвакуация қилиш ва зарур тиббиёт воситалари етказиш учун чартер рейслар ташкил этилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистонда Корея тиббиётининг, шу жумладан карантин тадбирларини ташкил этиш, касалликларни аниқлаш ва даволаш, реабилитация тадбирларини ўтказиш, тиббий кадрлар малакасини ошириш борасидаги илғор тажрибасини самарали жорий этишга қатъий интилишларини қайд этдилар.

Икки давлат соғлиқни сақлаш вазирликлари ва етакчи тиббиёт марказлари ўртасида саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ва тезкор ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Мулоқотда Президентлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва илмий-инновацион ҳамкорликда эришилган суръатларни сақлаб қолиш масалаларига батафсил тўхталдилар.

Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳалари ҳамда ушбу мамлакат Эксимбанки ва «EDCF» жамғармаси иштирокидаги ижтимоий аҳамиятга эга дастурларнинг амалга оширилиши таҳлил қилинди.

Савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони сезиларли даражада ортгани мамнуният билан қайд этилиб, бу ишбилармон доираларнинг ўзаро қизиқиши кучайиб бораётганига далолат экани ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Ўтган йил апрель ойида мамлакатимизга амалга оширилган олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишувларни тўлиқ амалга ошириш ҳамда Сеулда бўлажак учрашувга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳукуматлари даражасида фаол мулоқотлар ва алмашинувларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Телефон мулоқоти якунида Президент Мун Чже Ин Корея Республикаси биродар Ўзбекистонга бугун долзарб бўлиб турган қийинчиликлар ва замонавий хатарларни тез фурсатларда енгиб ўтишда барча зарур ёрдам ва кўмакни кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор билдирди.

Манба